

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ФАЙЗИЕВ Шахзод Нормурод ўғли

Мустақил тадқиқотчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13831598>

СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШДА ХАВФЛАРНИ БАҲОЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада стратегик режалаштириш тизимининг давлат бошқарувидаги роли, бугунги кунда долзарб аҳамият касб этиб келаётган жиҳатлари, стратегик режалаштириш жараёнларини баҳолаш асослари, хавф тушунчаси, стратегик режалаштиришда хавфларни аниқлаш усуллари ҳамда турли соҳа ва тармоқларда мавжуд тенденция асосида шакллантирилган “Хавфлар рејстри” орқали стратегик режалаштириш ҳужжатлари лойиҳаларини баҳолаш тартиби бир қатор тадқиқот ишлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлили асосида тадқиқ этилади.

Калит сўзлар: стратегия, концепция, стратегик режалаштириш, очиқлик индекси, баҳолаш, баҳолаш методикаси, форс-мажор ҳолатлар, хавф, “Хавфлар рејстри”, норматив-ҳуқуқий ҳужжат.

СПЕЦИФИКА ОЦЕНКИ РИСКОВ В СТРАТЕГИЧЕСКОМ ПЛАНИРОВАНИИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье на основе анализа ряда исследовательских работ и нормативно-правовых документов рассматривается роль системы стратегического планирования в государственном управлении, аспекты, приобретающие сегодня актуальное значение, основы оценки процессов стратегического планирования, понятие риска, методы выявления рисков в стратегическом планировании, а также порядок оценки проектов документов стратегического планирования посредством "Реестра рисков," сформированного на основе существующих тенденций в различных сферах и отраслях.

Ключевые слова: стратегия, концепция, стратегическое планирование, индекс открытости, оценка, методика оценки, форс-мажорные обстоятельства, риск, "Реестр рисков," нормативно-правовой акт.

SPECIFIC ASPECTS OF RISK ASSESSMENT IN STRATEGIC PLANNING

ANNOTATION

This article examines the role of the strategic planning system in public administration, aspects that are becoming increasingly relevant today, the foundations for evaluating strategic planning processes, the concept of risk, methods for identifying risks in strategic planning, and the procedure for evaluating draft strategic planning documents through the "Risk Register," which is formed based on trends in various fields and industries. The study is conducted based on the analysis of a number of research works and normative-legal documents.

Keywords: Strategy, concept, strategic planning, openness index, evaluation, evaluation methodology, force majeure circumstances, risk, "Risk Register," regulatory legal act.

Кириш

Бугунги замонавий дунёда миллий манфаатларни таъминлашнинг самарали воситаси сифатида стратегик режалаштириш тизимини давлат бошқарувида татбиқ этиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўз навбатида бу маълум норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан бевосита тартибга солинган муносабатлар кўринишида ёки унинг баъзи элементларини ўзида акс эттирган турли бошқарув қарорлари асосида амалга ошмоқда.

Қайд этиш керакки, мавзунинг долзарблиги уч асосга таянади: стратегик режалаштиришнинг давлат бошқарувидаги аҳамияти, турли даража ва кўринишдаги хавфлар кўламининг ортиб бориши ҳамда хавфларни баҳолаш орқали самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурати.

Хусусан, стратегик режалаштиришнинг давлат бошқарувидаги аҳамияти борасида Т.Балзак ва Р.Кребс таъкидлаганидек, стратегия давлат бошқарувининг олий шакли бўлиб, унда давлат миллий мақсадларга эришиш учун турли воситалардан қандай фойдаланиши тавсифланишини таъкидлаш зарур [1].

Жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам кучли ва фаровон давлат куриш мақсадида “Ўзбекистон – 2030” стратегияси қабул қилиниб, бу муҳим ҳужжатда барқарор иқтисодий ўсишга эришиш, ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимларини ислоҳ қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш бўйича 100 та аниқ вазифа ўз аксини топди [2].

Иккинчи асос бу хавфлар кўламининг кенгайиши бўлиб, у ҳар қандай давлат олдида ўз сиёсатини мазкур хавфлар хусусиятидан келиб чиқиб белгилашини талаб қилмоқда.

Жумладан, биргина ташқи сиёсатда ўзаро ишонч чораларининг сусайиши ва турли низоларнинг авж олиши нафақат республикамиз балки, минтақанинг барқарор ривожланишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатмоқда. Натижада, анъанавий савдо ва транспорт занжирлари бузилиб, минтақа санкциялар сиёсатининг асирига айланди. Шунингдек, логистика харажатлари сезиларли даражада ошиб, инфляция босими кучаймоқда. Жаҳон капитал бозорида имкониятлар қисқармоқда, протекционизм кучайиб, янги-янги тўсиқлар пайдо бўлмоқда [3].

Сўнги асос бу хавфларни баҳолаш ҳисобланади ва ўз навбатида стратегик режалаштириш жараёнининг энг долзарб жиҳатлари мазкур босқичда кўринади. Чунки, давлат бошқарув тармоқлари кўлами жуда кенг бўлиб, стратегик режалаштиришни амалга ошириш барча соҳа ва тармоқларни қамраб олишни талаб этади ҳамда мазкур объектларда хавфлар турли даражаларда сақланиб қолади.

Методология

Тадқиқотнинг методологик асосини юқорида қайд этилган долзарб жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда стратегик режалаштириш жараёнларида хавфларни аниқлаш ва таснифлашга кўмаклашувчи қиёсий, статистик, омилли ва бошқа тизимли ёндашувнинг турли таҳлиллари ташкил этади.

Таҳлил ва натижалар

Даставвал, хавф тушунчаси, унинг ўзига хос хусусиятлари ва уни аниқлашнинг усулларини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада И.Бобоқулов ва Х.Умаров хавф ва таҳдидларни келтириб чиқарувчи манбаларнинг ранг-баранглиги муайян таснифни талаб этишини шу боисдан, таъсир кўрсатиш объектлари, хавфсизлик соҳалари, макон ва кўлами, намоён бўлиш услуби ва шакли, манбалари ва ҳаракатлантирувчи кучлари ҳамда ижтимоий хавфлилик даражаси каби белгилар билан гуруҳларга ажратиш зарурлигини қайд этишади [4].

Шунингдек, Г.Кравченко ва Е.Антышевлар ҳам хавфларни таснифлаш орқали гуруҳларга ажратиш уларга қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқишда катта самарага эга эканлигини таъкидлашади [5].

Улар хавфлани ташқи ва ички хусусиятларидан келиб чиқиб, иқтисодий, сиёсий, экологик, техник-технологик, норматив-ҳуқуқий в ахборотга оид хавфларга ажратишади.

С.Зарочинцев эса иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий хавфлар мавжудлигини таъкидлаб, анъанавий баҳолаш билан биргаликда бугунги кунда глобал ўзгаришлар натижасида ўз хусусиятини ўзгартириб бораётган хавфларни аниқлашда миқдорий ёндашувлардан фойдаланишни қайд этади [6].

Шундан келиб чиққан ҳолда хавфларни террористик, кибер, ноқонуний фаолият, табиий офатлар, соғлиқни сақлаш тизимидаги хавфлар, инфраструктура билан боғлиқ хавфлар ва бошқа хавфлар каби гуруҳлайди.

Умуман олганда стратегик режалаштириш жараёнида хавфларни аниқлаш соҳа ёки тармоқнинг ҳозирги ҳолатидан келиб чиқиб муайян хавфларнинг жорий мавжуд ёки мавжуд эмаслигини асослашга қаратилган бўлиб, келгусидаги хавфларни прогноз қилиш мураккаб жараён ҳисобланади.

Жумладан, стратегик режалаштириш тизимида баҳолаш асосан дастлабки, асосий ва сўнгги каби уч босқичда амалга оширилади ҳамда унинг аҳамияти асосан стратегик режалаштириш ҳужжатларига қаратилади. Яъни, лойиҳаларни баҳолаш орқали уларни амалга ошириш имкониятига баҳо берилади, бу орқали ҳужжатларга ўзгартириш-қўшимчалар киритилади ёки бекор қилинади. Бунда муайян хавфлар аниқланмайди, балки лойиҳанинг маълум бир мезонларга жавоб бермаслиги натижасида хавфлар юзага келиши мумкинлиги прогноз қилинади.

Хусусан, И.Антипин ва Н.Власова стратегик режалаштиришда стратегияни расмийлаштириш жараёнларини баҳолаш, шаклланган стратегияни сифатини баҳолаш ҳамда стратегияни амалга оширилгандаги натижасини баҳолаш каби уч гуруҳга ажратади ва ҳар бир гуруҳга муайян бир мезонларни бириктиради [7].

Жумладан, стратегияни расмийлаштириш жараёнларини баҳолашда мувофиқлаштирувчи орган, ишчи гуруҳ таркиби, лойиҳани шакллантириш жараёни, лойиҳани тузилиши, амалга ошириш муддати, амалга ошириш воситалари ва лойиҳанинг бошқа ҳужжатлар билан ўзаро мувофиқлиги каби баҳолаш мезонларини киритилади. Мазкур мезонлардаги талабларнинг бажарилмаганлиги хавфларни юзага келтириши мумкин дея баҳоланади.

К.Баилей эса ташқи ва ички омилларга эътибор қаратиб, турли таъсир объектларининг мавжудлиги стратегияни амалга оширишда хавфларни юзага келтириши мумкинлигини кўрсатади:

- 1) ташкилот фаолият йўналиши ва дастурларининг кенг табиати мақсадларнинг ноаниқлигини келтириб чиқариши;
- 2) манфаатдор томонларнинг хилма-хиллиги ва уларнинг тарқоқ фаолияти;
- 3) ваколатларнинг ноаниқ тақсимланганлиги;
- 4) маълумот алмашиш жараёнларининг мураккаблиги;
- 5) форс-мажор ҳолатларидан чиқиш чораларининг етишмаслиги;
- 6) бошқарувчи қарорларининг қўллаб-қувватланмаслиги;
- 7) ташкилотларнинг кўплиги улар ўртасида ишчи режаларни шакллантиришга тўсқинлик қилиши;
- 8) юқори ва қуйи ҳужжатларнинг ўзаро номувофиқлиги [8].

Бироқ стратегик режалаштиришда хавфларни аниқлашда қуйидаги омилларни ҳам ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади:

- стратегик режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқарувчи органнинг бу борадаги лаёқати, умуман олганда ундаги ижро интизоми ҳолати;
- стратегик режалаштириш субъектлари ваколатларининг стратегик режалаштириш ҳужжатлари муддатларига мутаносиблиги;
- режалаштирилаётган объект хусусиятидан келиб чиқиб, унда юзага келиши мумкин бўлган хавфларнинг таснифи;

- сиёсий вазият ҳамда унга ички ва ташқи таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омилларнинг ўзига хос хусусиятлари;
- давлатнинг ташқи сиёсати;
- давлат иқтисодий-ижтимоий ҳолатига таъсир этиши мумкин бўлган геосиёсий омиллар;
- табиий ва техноген тусдаги хавф-хатарлар.

Хусусан, биринчи омил яъни стратегик режалаштириш ҳужжатларини ишлаб чиқувчи органнинг бу борадаги фаолияти самарадорлигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этиб, ўз навбатида бу турли мезонларга асосланади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан тақдим этилган 2023 йил бўйича “Очиқлик индекси”да 103 та давлат органлари ва ташкилотларининг 29 таси “қизил” ҳамда 43 таси “сарик” тоифага киритилган. Фақатгина 31 та давлат органи “яшил” тоифада кўрсатилган [9]. Бунда стратегик режалаштириш органининг бюджет маблағларини тасарруф этиш ҳолати, жамоатчилик билан ишлаш ва очиқлик тамойилининг қай даражада таъминланганлиги баҳоланади.

Шунингдек, янги лойиҳа қабул қилингунга қадар амалда бўлган стратегик режалаштириш ҳужжатларининг жорий ҳолатини баҳолаш кейинги ҳужжат учун хулоса тақдим этишда асос сифатида қаралиши зарур.

Хусусан, биргина қишлоқ хўжалиги бўйича 2019-2021 йиллар оралиғида олти стратегия ва концепция қабул қилиниб, энг сўнгги стратегик режалаштириш ҳужжатида олдинги қабул қилинган ҳужжат мониторингги амалга оширилмаганлигини кўриш мумкин.

Кейингиси режалаштирилаётган объект хусусиятидан келиб чиқиб, унда хавфларнинг ўзаро фарқ қилиши ва турли даражада сақланиши бўлиб, уни аниқлаш мураккаб жараён ҳисобланади.

Хусусан, ҳудудларни ривожлантиришда уларни иқтисодий ривожланиш кўрсаткичи, табиий ресурслари, ижтимоий-демографик ҳолати ва бошқа ўзига хос жиҳатлари бевосита уларга нисбатан бир-биридан фарқ қилувчи хавфлар шаклланиши мумкинлигини кўрсатади.

Жумладан, бугунги кунда республика 208 та шаҳар-туманлари салоҳияти, имконияти ва шароитидан келиб чиқиб беш тоифага ажратилган. Бунда 60 та ҳудуд тўртинчи ва бешинчи тоифага киритилиб, уларни бўйича алоҳида тартиб-таомиллар ишлаб чиқилиши белгиланди [10].

Шунингдек, соҳалар кесимида олганда ҳам умумий хавфларни шакллантириш мураккаб аҳамият касб этиб, аввало соҳанинг ўзига хос жиҳатлари хусусан, рақамлаштириш, ундаги маълумотларнинг очиқлиги, ажратилган бюджет маблағлари миқдори ва соҳада мавжуд куч-воситалар ҳамда ривожлантиришдаги турли тўсиқлар бир-биридан фарқ қилади.

Жумладан, 2024 йилда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан 92 та давлат органлари ва ташкилотлари функцияларидаги коррупцион хавф-хатарлар даражаси баҳоланганда жами 7 525 та функциядан 495 тасида “юқори” ва 1 541 тасида “ўрта”лиги аниқланган [11].

Бирок, шуни таъкидлаш керакки, халқаро тажрибада кўплаб мамлакатларда миллий хавфлар рејистри шакллантирилган бўлиб, ҳар қандай ривожлантириш объектига таъсир этиши мумкин бўлган таъсир кучига эга таҳдидлар шакллантирилган.

Хусусан, Буюк Британияда 2020 йилда кузатилган глобал пандемия ва ташқи сиёсатдаги ўзгаришлар натижасида ўз “Миллий хавфлар рејистри”ни шакллантирилиб, 2023 йил учун 25 мингдан ортиқ маълумотлар асосида терроризм, кибер таҳдид, давлатга таҳдидлар, географик ва дипломатик хавфлар, ҳодисалар ва тизим носозликлари, табиий ва экологик хавфлар, инсон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига бўлган хавфлар, ижтимоий хавфлар ҳамда турли конфликтлар ва нобарқарорликлар каби тўққиз йўналишда жами 89 та хавф камраб олинган [12].

Хулоса

Умуман олганда стратегик режалаштиришда хавфларни баҳолаш унда кўрсатилган мақсадларга эришиш даражасини аниқлашга ёрдам беради ҳамда ўз навбатида умумий ҳамда ривожланиш объектининг ўзига хос бўлган хавфларни шакллантириш имконияти мавжуд.

Хусусан юқорида тадқиқ этилган маълумотлар асосида стратегик режалаштириш жараёнида хавфларни баҳолашнинг қуйидаги ўзига хос жиҳатларини таъкидлаш зарур:

биринчидан, ҳар қандай давлатнинг иқтисодий-ижтимоий ҳолати ва унинг географик жойлашуви ҳамда ички-ташқи сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари ривожланиш объектлари учун умумий хавфларни шакллантириш имкониятини беради;

иккинчидан, ривожлантириш субъектлари фаолияти, уларнинг ваколат доираси, амалдаги ҳужжатлар ижроси ўз навбатида кейинги стратегик режалаштириш ҳужжатларини баҳолаш мезонларидан бири сифатида олиниши зарур;

учинчидан, ривожланиш объекти хусусиятларини, шунингдек миллий хавфсизлик назариясидаги хавфларни соҳалар кесимида таснифлашдан келиб чиққан ҳолда стратегик режалаштириш объектларини гуруҳлаш уларга нисбатан баҳолаш имкониятини берувчи кўрсаткичлар шакллантиришга кўмаклашади;

тўртинчидан, аниқланган хавф даражаларидан келиб чиққан ҳолда уларни олдини олиш ёки бартараф этишда мақсадларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, бекор қилиш ёки ижросини тўхтатиб туриш асосларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда стратегик режалаштиришда баҳолаш жараёнларини дастлабки, оралиқ ва сўнгги босқичларига бўлган ҳолда қуйидагича амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- нафақат лойиҳа балки, лойиҳани тақдим этувчи ва лойиҳа объектини ҳам умумий баҳолаш методикасини шакллантирган ҳолда баҳолаш ҳамда баҳолаш даражаларидан келиб чиққан ҳолда тасдиқлаш, бекор қилиш ёки қайта кўриб чиқиш учун тақдим этиш механизминини шакллантириш;

- амалдаги стратегик режалаштириш ҳужжатлари таҳлили, соҳа ва тармоқларнинг ўзига хис хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда “Миллий хавфлар рејстри”ни шакллантириш ҳамда хавфларни даражаларга бўлган ҳолда баҳолаш меъёрларини ишлаб чиқиш;

- стратегик режалаштириш ҳужжатлари ижросини таъминлашда юзага келиши мумкин бўлган хавфларни аниқлаш, баҳолаш ва олдини олиш чора-тадбирлари бўйича услубий қўлланма яратиш.

REFERENCES. ИҚТИБОСЛАР. СНОСКИ.

1. Balzac T., & Krebs, R. R. (Eds.). (2021). The Oxford Handbook of Grand Strategy. Oxford University Press.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Учинчи Тошкент халқаро инвестиция форумидаги нутқи // “Янги Ўзбекистон” газетаси. – Тошкент.: № 85 (1146). 03.05.2024. 1-2 б
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувидаги нутқи // “Янги Ўзбекистон” газетаси. – Тошкент.: № 160 (1221) 10.08.2024. 1-2 б
4. Бобоқулов И.И., Умаров Х.П. Хавфсизлик асослари. Ўқув қўлланма. –Т.: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2011. -160
5. Кравченко Г., Антышева Е. Р. Классификация рисков и угроз предприятия // SworldJournal. –Б.: № 4. 2021. –С. 41-48
6. Зарочинцев С.В. «Упреждающее» государственное управление и оценка рисков национальной безопасности // Public Administration Issues –Р.: -№ 3 2021. –С. 200-218
7. Антипин И.А., Власова Н.Ю. (2022). Оценка стратегического планирования в муниципальных образованиях: методические, практические и управленческие аспекты // Управленец. -Т.: -№ 5. 2022. –С. 67–84
8. Bailey K. D. A study of strategic planning in federal organizations. Virginia: 1998. . – P. 67
9. 2023 йил якунларига кўра, давлат органлари ва ташкилотларида очиқлик бўйича амалга оширилган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашга қаратилган Очиқлик индекси. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги. URL: <https://index.anticorruption.uz/rating>
10. Республика ҳудудларини тоифаларга ажратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг табақалаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. № 287. 30.12.2022. - Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.12.2022й., 06/22/287/1140-сон
11. Давлат органлари ва ташкилотлари функцияларидаги коррупциявий хавф-хатарлар даражаси аниқланди. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги расмий веб сайти. 02.07.2024. URL:<https://anticorruption.uz/uz/article/davlat-organlari-va-tashkilotlari-funksiyalaridagi-korrupsiyaviy-xavf-xatarlar-darajasi-aniqlandi>
12. Миллий хавфлар реестри – 2023. . URL: <https://www.gov.uk/government/publications/national-risk-register-2023>